

**БАНК КАПИТАЛИ МАКРОПРУДЕНЦИАЛ СИЁСАТ  
ИНСТРУМЕНТИ СИФАТИДА**

**Нилуфар Шарипова**

*PhD, Тошкент давлат иқтисодиёт университети*

*“Банк ҳисоби ва аудити” кафедраси доценти*

*Тошкент, Ўзбекистон. e-mail: shani\_80@mail.ru*

*ORCID: 0000-0002-4892-9922*

**Аннотация:** Мақолада банк капиталига халқаро банк назорати ташкилотлари томонидан қўйилган талаблар, бундай талабларнинг бажарилиши ва банк барқарорлиги боғлиқлиги ўрганилиши асосида тегишли хulosалар шакллантирилган.

**Калит сўзлар:** банк назорати, банк капитали, буфер захира капитали, банкларнинг молиявий барқарорлиги.

2008 йилдаги жаҳон молиявий инқирози банкларнинг молиявий барқарорлигига талаблар етарли эмаслигини кўрсатди. Бу халқаро банк фаолиятини тартибга солиш бўйича янги концепция Базель III концепциясининг яратилишига олиб келди. Ушбу концепция асосида банкларнинг заараларни қоплаш имкониятини ошириш мақсадида банк капиталига янада қатъий талаблар қўйилди. Капитал етарлилигига янги талаблар ўрнатилиб, 2,5 % миқдорида ҳимоя буфер капитали ва рискка тортилган активларнинг (RWA) 0-2,5% и миқдорида конрциклик буфер капитали жорий қилинди. Ушбу талаблар билан бир қаторда, левириж кўрсаткичига 3% дан кам бўлмаслиги талаби киритилди. Левириж кўрсаткичи банк капиталининг жами активлари ва балансдан ташқари мажбуриятларига нисбати сифатида аниқланади.

Базель III талабларининг муҳим жиҳати тизимли муҳим банклар (Global systemically important banks) капиталига янада қатъий талабларнинг қўйилганлигидир, бундай банклар жаҳон молиявий тизимиға сезиларли таъсир кўрсатади. Глобал даражада тизимли муҳим деб топилган банклар (GSIBs) биринчи даражали капитали етарлилигига қўшимча талаблар ўрнатилди. Қўшимча талаб рискка тортилган активларнинг 1 дан 3,5 % игача қилиб белгиланган<sup>1</sup>. Шу билан бир қаторда Банк назорати бўйича Базель қўмитаси глобал даражада тизимли муҳим бўлмаган, аммо банкротлиги алоҳида мамлакатлар иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатадиган банкларга ҳам эътибор қаратади. Бу каби банкларга банк фаолиятини тартибга солишнинг маҳсус чора тадбирларини қўллаш тавсия

<sup>1</sup> Basel Committee on Banking Supervision. Global systemically important banks: updated assessment methodology and the higher loss absorbency requirement, 2013.

## **BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI**

етилган бўлиб, миллий даражада муҳим банклар бўлганлиги учун 0 дан 2% гача қўшимча қапитал талаби киритилган<sup>2</sup>.

2015 йилда Молиявий барқарорлик бўйича кенгаш заарларни қоплаш имконияти бўйича умумий стандартларни (TLAC) тасдиқлаб, глобал тизимли муҳим банклар молиявий барқарорлигига талабларни оширди. Ушбу стандарт билан глобал тизимли муҳим банкларга заарларни қоплаш ва қайта капитализация учун минимал талаблар ўрнатилди. Заарларни қоплаш имконияти деганда, биринчи даражали қапитал ва молиявий нобарқарорлик шароитида заарларни қоплаш учун ишлатиладиган маълум қарз инструментлари қўринишидаги қўшимча ресурсларнинг мавжудлиги назарда тутилади.

Заарларни қоплаш имконияти бўйича умумий стандартлар (TLAC) нинг минимал талаби рискка тортилган активларнинг 16% и даражасида ва жами активлар ва балансдан ташқари мажбуриятларнинг 6% и миқдорида қилиб белгиланган. Ушбу талаб ривожланган мамлакатлар учун 2019 йил 1 январдан, ривожланаётган давлатларда 2025 йил 1 январдан кучга кириши белгиланган. 2022 йилдан ривожланган давлатлар учун 2028 йилдан ривожланаётган давлатлар учун юқоридаги талаблар мутаносиб равишда 18% ва 6,75% га оширилиши белгиланган<sup>3</sup>. Заарларни қоплаш имконияти бўйича умумий стандартлар (TLAC) талаблари йирик банклар банкрот бўлган ҳолатда ҳам бутун иқтисодиётда молиявий инқирозни юзага келтирмаслигига омил бўлади.

Базель III стандартининг асосий талаблари қапитал буферини ошириш ва ликвидлилик шокини қоплаш учун янги инструментларнинг яратилиши орқали алоҳида банклар ва умуман, банк тизимининг барқарорлигини оширишга хизмат қиласи. Аммо макропруденциал сиёсат мақсадларига эришиш нуқтаи назаридан, мунозарали саволлар очиқ қолмоқда.

Кўплаб тадқиқотлар макропруденциал инструментларнинг банклар кредит активлиги, банк тизимининг молиявий барқарорлигига таъсирини баҳолашга қаратилган.

Mankart, Michaelides, Pagratis қапитал етарлилиги ва левераж коэффициентига бўлган норматив талабларнинг банк кредитлаш даражасига таъсирини ўрганишган. Тадқиқот натижалари банк капиталига талабларнинг кучайтирилиши кредитлаш ҳажмини пасайишига, леверажга талабнинг кучайтирилиши кредитлаш ҳажмининг ортиши ва банкротлик кўрсаткичларининг пасайишига олиб келади, деган холосага келишган<sup>4</sup>.

---

<sup>2</sup> Basel Committee on Banking Supervision. A framework for dealing with domestic systemically important banks, 2012. Basel Committee on Banking Supervision. Regulatory consistency assessment programme (RCAP) — assessment of Basel III G-SIB framework and review of D SIB frameworks — European Union, 2016.

<sup>3</sup> Financial Stability Board. Principles on loss-absorbing and recapitalisation capacity of G-SIBs in resolution total loss absorbing capacity (TLAC) term sheet, 2015.

<sup>4</sup> Mankart J., Michaelides A., Pagratis S. Bank capital buffers in a dynamic model. Financial Management. 2018.

## **BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI**

Aysan, Disli ва Ozturk олиб борган тадқиқотларида мақропруденциал инструментларнинг молиявий барқарорликка ижобий таъсири бор, деган хуносага келган<sup>5</sup>.

Maurin ва Toivanen олиб борган тадқиқотларида Евроиттифоқ банкларининг капитал етарлилиги бўйича янада юқори талабларга мослашишга ҳаракат қилишлари нафақат кредитлаш ҳажмини, балки қимматли қоғозлар билан боғлиқ операциялар ҳажмини ҳам пасайтиради. Шу балан параллел равишда, жалб қилинган ресурслар ҳажми ҳам камаяди<sup>6</sup>.

Danarsari, Viverita ва Rokhim ўз тадқиқотларида Индонезия банклари мисолида капитал буфери ҳамда банклар барқарорлиги ўзаро алоқадорлигини 2007-2008 йиллардаги жаҳон молиявий инқирозигача ва инқироздан кейинги давр учун тадқиқ қилганлар. Тадқиқот натижалари капитал буфери банк барқарорлигини оширишга хизмат қилишини кўрсатган<sup>7</sup>.

Юқоридаги адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, мақропруденциал инструментларнинг кучайтирилиши банк молиявий барқарорлигини аниқ мустаҳкамлаши ёки пасайтириши тўғрисида бир тўхтамга келингани йўқ. Бу каби инструментлар маҳаллий банк тизими хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, тадқиқотлар натижасида кўлланилиши лозим.

### 2-жадвал

#### **Банк фаолияти молиявий барқарорлигини белгиловчи кўрсаткичлар динамикаси, %<sup>8</sup>**

№	Кўрсаткич	Чегараси	2017	2018	2019	2020	2021	2022
1.	Регулятив капиталнинг таваккалчиликни хисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммасига нисбати	min 13%	18,8	15,6	23,5	18,4	17,5	17,8
2.	I даражали капиталнинг таваккалчиликни хисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммасига нисбати	min 10%	16,5	14,3	19,6	15,2	14,6	14,5

Юқорида 2-жадвал маълумотларидан кўриш мумкин, банклар тўлов қобилиятининг асосий кўрсаткичларидан бири хисобланувчи капитал монандлилик коэффициенти 2017 йил ва 2022 йил оралиғида ўртача 17-18%ни ташкил этган. Базел III стандартларига кўра, банк жами

<sup>5</sup> Aysan A.F., Disli M., Ozturk H. Financial crisis, macroprudential policies and depositor discipline. Singapore Economic Review. 2017;62(1):5–25.

<sup>6</sup> Maurin L., Toivanen M. Risk, capital buffers and bank lending: The adjustment of euro area banks. Journal of Banking and Financial Economics. 2015;1(3):113–129.

<sup>7</sup> Danarsari D.N., Viverita, Rokhim R. Capital buffer for stronger bank stability: empirical evidence from Indonesia's commercial banks. Pertanika Journal of Social Sciences and Humanities. 2018;26:55–67.

<sup>8</sup> ЎзР Марказий банкининг Статистик бюллетенлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.

## **BARQAROR IQTISODIY O'SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI**

капиталининг монандлилик коэффициенти рискка тортилган активларга нисбатан камида 8 фоиз бўлиши тавсия этилган. Бундан ташқари, Базел III стандартларида банк капиталига нисбатан консервация буфери (2,5 фоиз), контрициклик капитал буфери (0–2,5 фоиз), маҳаллий ва глобал тизимли аҳамиятга молик банклар учун капитал буфери (аниқ чегараси белгиланмаган) каби қўшимча талабларни ўрнатиш кўзда тутилган. Ўзбекистонда банк тизими барқарорлигининг жорий ҳолати ҳамда Базел III томонидан тавсия этилган қўшимча капитал буфер талабларини ҳам инобатга олган ҳолда тижорат банклари учун капитал монандлилик коэффициенти 13 фоиз қилиб белгиланган. Сўнгги олти йиллик кўрсаткичларга таяниб, хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистон тижорат банклари Марказий банк томонидан капиталга нисбатан қўйилган минимал талабларни тўлақонли бажарган. Банк тизими потенциал йўқотишлиарни қоплаш учун етарли капиталга эга.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Basel Committee on Banking Supervision. Global systemically important banks: updated assessment methodology and the higher loss absorbency requirement, 2013.
2. Basel Committee on Banking Supervision. A framework for dealing with domestic systemically important banks, 2012. Basel Committee on Banking Supervision. Regulatory consistency assessment programme (RCAP) — assessment of Basel III G-SIB framework and review of D SIB frameworks — European Union, 2016.
3. Financial Stability Board. Principles on loss-absorbing and recapitalisation capacity of G-SIBs in resolution total loss absorbing capacity (TLAC) term sheet, 2015.
4. Mankart J., Michaelides A., Pagratis S. Bank capital buffers in a dynamic model. Financial Management. 2018.
5. Maurin L., Toivanen M. Risk, capital buffers and bank lending: The adjustment of euro area banks. Journal of Banking and Financial Economics. 2015;1(3):113–129.
6. Danarsari D.N., Viverita, Rokhim R. Capital buffer for stronger bank stability: empirical evidence from Indonesia's commercial banks. Pertanika Journal of Social Sciences and Humanities. 2018;26:55–67.
7. Господарчук Г.Г. Резервный буфер капитала как инструмент макропруденциальной политики. Финансы: теория и практика. 2019;23(4).
8. ЎзР Марказий банкининг Статистик бюллетенлари.
9. <https://cbu.uz/oz/statistics/bankstats/843935/>